



ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ
11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 27 (9523).

1989 йил
8 февраль
чоршанба

Баҳоси 3 тийин.



САЙЛОВ ОЛДИДАН
Округ сайлов комиссия-
ларининг мажлисларида

меҳнат коллективлари сай-
ловиди йилги ишларнинг
протоколлари ва овозга қў-
йишга розилик билдирил-
ган аризалар кўриб чиқилиб
депутатлиги номзод этиб
рўйхатга олиш ва сайлов
билан боғлиқ қиритиш ту-
рисида қарор қабул қилин-
ди.

600-Тошкент-Чилонзор тер-
риториал сайлов округи-
дан — Борис Федорович
Сатин, 1938 йилда туғил-
ган, Тошкент шаҳар партия
комитетининг биринчи сек-
ретари.

ҚАЙТА
ҚУРИШ:
СЎЗДА ВА
АМАЛДА

РЕДАКЦИЯГА
КЕЛГАН
ХАТЛАРДАН

ОШКОРАЛИК УЧУН ЖАЗОЛАШДИ

Минг шукрки, одамлар дилидаги
гапларни очик-ойдин айтидиган замо-
нага ҳам етиб келдик. Демократия, ош-
коралик ичимизда димиқиб ётган
фикр-уйларни юзга чиқармоқда. Шу
муносабат билан «Тошкент ҳақиқати»
газетаси саҳифаларида «Аслида босиш-
га мўлжалланмаган хатлар» рубрикаси
пайдо бўлди. Шу баҳонада тил учидан
турган гаплар, кўнгилга ором берма-
ётган дарахлар очик айтилмоқда.

Шундай деймиш-у, баъзан айтиб
қўйган гаплар учун ҳаққисирайдиган
одамларга ҳам дуч келамиз. Бундай ки-
шилар ниманидир қутадилад, ўз фикр-
ларини баралла айтидиганларнинг эга-
тидан тортилад.

Ҳозир ўзбек халқи ҳам давлат гим-
ни еки байроғи каби ўз давлат тилига
эга бўлиши керак, деган фикрлар ай-
тилмоқда. Бу фикрлардан миллатчилик
уруғини қидирмаслик керак. У йўқ.
Биз етмиш йилдан бери ахил-иноқ яшаб
келмоқдамиз. Ўз миллатимизни бошқа
миллатдан устун қўйиш ўйидан йи-
роқмиз. Фақат айтамоқчимиз, ўз она
тилимиз қадр-қимматини тиклайлик.

уни энг аввало ўзимиз пухта ўрганиб
олайлик.
Ленин қарангки, пашшадан фил
ясаб, ваҳима кўтардиган одамлар ҳам
бор экан. Масалан, яқинда тилшунос
олим, филология фанлари кандидати
Қаюмжон Каримовнинг сўзини «Сўнг-
ги ахборот»да бердик. Олимнинг «Дар-
ҳақиқат, ўзбек тилига давлат тили
статуси берилиши зарурлиги тўғриси-
да талаб қўйилиб турган бир пайтда
ўз тилимизга беэтиборликка чек қў-
йишимиз керак» деган сўзлари эфир-
да кетгани учун навбатчи редактор
сифатида мени жазолашди, буйруқ би-
лан ҳайфсан беришди.

Ҳалигача тушунмайман: олим ўз
сўзларида миллатчиликни тарғиб қил-
маган, фақат ўз фикрини билдирган
бўлса, нега мен жазоланишим керак?!
Эки ошкоралик ва демократия рес-
публика телевидениеси ва радиоси-
тириш Давлат комитетига ҳали етиб
келмадимикин?

Хусанбой ТОЖИМАТОВ,
радиожурналист.

ИНТЕРНАЦИОНАЛЧИ-ЖАНГЧИ ХОТИРАСИГА ҲУРМАТ ШУМИ?

ОДАТДА солдат мак-
тубларининг мазмунини хил-
хил бўлади. Ота-она,
ака-ука, дўст-биродарларга
соғинч хатлари, баъзан
муҳаббат мактублари...

Мана бу хат Афғонистон-
да ўз интернационал бур-
чини адо этгайдиган қаҳра-
монларга халок бўлган Ибро-
ҳим Қўчкиновнинг отаси
Тошкент шаҳар, Улугбек
посёлкасида истикомат қи-
лувчи ўқитма ака Қўчкинов
номига келган:

«... Дўшман ҳужумини
бартараф қилиш ва бир вақт-
нинг ўзидан тежаланиш
эгаллаб олиш ҳақида шон-
лиқ буйруқ олинди.
Бундай, жанговар топиши-
ринчи бажаришга бир груп-
па интернационалчи-жангчи-
ларга қўрсатмалар берилди.
Бу группа жангчилари
орасида Тошкентнинг Улугбек
посёлкасида туғилб
ўсган катта разведкачи-пу-
лемётчи Иброҳим Қўчки-
нов ҳам бор эди. У ўз пу-
лемётидан ўт очиб уч дўш-
манни ер тишлади. Аммо
ўзи ҳам бу тенгсиз олишув-
да оғир ярадор бўлди. Аф-
суски у ҳушига келмади.

жанговар дўстлари қўлида
жон берди. И. Қўчкинов,
группа командири лейте-
нант Злуничи ва бошқа
жангчилар ҳаёти эвазига
отряди қўлай ерни эгаллаб
олди ва дўшман ҳужумини
бартараф қилди. Ўз интер-
национал бурчинини шараф
билан бажаришда кўрсат-
ган жасурлиги ва мардлиги
учун оддий аскар Иброҳим
Қўчкинов Қизил Юлдуз ор-
денига тавсия қилинди.

Капитан Аракчеев».
Ха, Афғонистон Рес-
публикасида ўз интер-
национал бурчларини адо
этайтиб халок бўлган
йигитларимиз хотираси аба-
дийдир. Мана, СССР Дав-
лат банкининг Тошкент ша-
ҳар бошқармасида ана шу
жангчилар хотирасига ўр-
натилган ёдгорлик учун
Тошкент шаҳар комсомол
комитети ёрдамида бир не-
ча йирик корхоналарда мах-
сус сўчлар очилди. Бу
сўчларга келиб тушаётган
пуллар, уларни ўтказётган
кишиларнинг саногий йўқ.
Бизни бошқа бир нарсанга
ташвишлантирмоқда. Тош-
кент шаҳар Куйбишев рай-

он партия комитетига ин-
тернационалчи-жангчи Ибро-
ҳим Қўчкинов номи
абайлаштириш учун у ўқи-
ган мактабга унинг номи
берилиш ҳақида илтимос-
нома тушган. Бундай ил-
тимоснома пайсалга соли-
надиган хатлардан эмасли-
ги ҳаммага равшан. Аммо
Улугбек посёлка Советида-
ги ўртоқларнинг вақтини
эшитиб ёқа ушлайсан, ки-
ши. Бундан қарангки, уларни
агар мактаб ана шу жанг-
чи номи билан аталадиган
бўлса, у ҳолда мухрини ҳам
ўзгартириш кераклиги кўп-
роқ ўйлангириб қўйилди.

Ахир шу ҳам вақим?
Қаҳрамонларча вафотидан
сўнг Қизил Юлдуз ордени
билан тақдирланган жасур
ҳаётлари хотирасини аба-
дийлаштириш хусусида гап
бораётганлигини наҳотки
ҳис қилишмасан! Қолаверса,
бу ахир ўша мактаб ўқув-
чилари, посёлка меҳнат-
кашларининг ҳам фахри-ку.
Наҳотки мактаб мухрини
ўзгартириш бу хайрли иш
олдида мушкулроқ бўлса?
Р. САЙДОВ,
журналист.

НЕГА УНУТИБ ЮБОРДИК?

Ота-онам ёшлгимданок ўзингдан кат-
таларга салом бергин деб ўргатишган.
Ўзи аслида бизнинг қишлоқларда бу
одат тусига кириб қолган. Таниш бўл-
маса ҳам ёши улугларга, кексаларга,
«Ассалоум алайкум» деб албатта са-
лом берилади. Негадир бу ахир анъ-
анани Тошкентда йўқолиб кетганига
аничанам. Яқинда уч-тўртта курсдош-
ларим билан бораётиб, бир отахонга
салом берсам, «қўриганга салом бера-
верасанми, бу сенинг қишлоғингиди»,
деб ўртоқларим қўлиди. Уларга
мен шунга ўргатганман, деб қўяқол-
дим. Кейин кузатсам, шаҳар ичидан
кўп ёшлар ўзиндан катта бўлса ҳам
беғоналарга салом беришмас экан.
Бунинг мен тўғри, деб ҳисобламайман.
Танишим ёши нотанишим катталарга
салом бериш одобдан деб ўйлайман.

Яна бир ғошулик дилимни ранжи-
тади. Баъзан шаҳарликлар «поезда
осилиб келсан» деб қишлоқ йигит-
ларининг жингига тегнади. Аслида

ҳаммамиз бир оила фарзандларимиз.
Қаерда яшашимиздан, миллатимиз,
ирқимиздан қатъий назар, ҳар бир
инсонни қадрлашимиз, дўст, иноқ яша-
шимиз керак.

Учинчи бир мулоҳаза, ўзбек тили-
нинг давлат тили бўлиши ҳақида. Бу
менинг бирдан-бир озуғим. Чунки,
очингани айта қолай, қишлоқдан келган
талабалар рус тилида равои гапираришга
қийналишади. Баъзан бунинг учун
дакки ҳам эшитишади. Ўзининг рес-
публиканга яшаб туриб танбех эши-
тиш жуда аламдидир. Шунинг учун
ҳозир кўпгина газета ва журналлар са-
ҳифаларида ўзбек тилининг давлат ти-
ли бўлиши ҳақида олимлар, зиёлилар,
ишчилар ва деҳқонлар ўз фикрларини
билдиришмоқда. Мен улар тақдирига
қўйиламан. Ова тилимиз республика-
мизда давлат тили бўлиб қолсин.

Н. БОТИРОВ,
ТошДУ студенти.



УЧАЛА НОМЗОД РЎЙХАТГА ОЛИНДИ



Ушбу суратлар сайловолди йиғили-
шдан олинган.
А. Мальцев фотолари.

596-территориал сайлов окру-
ги Тошкент шаҳрининг А. Ик-
ромов ва Октябрь районлари бир
қисминини қамраб олган. Бу ок-
ругдан СССР халқ депутатлиги-
га чарм-галантерея ва спорт бу-
юмлари ишлаб чиқариш бирлаш-
маси ишчиси Клара Рустамова,
2-автокомбинатнинг такси ҳайдо-
чиси Ёўлош Акбаров, ҳамда
профессор, Ўзбекистон Компар-
тияси Марказий Комитети қо-
шидаги партия тарихи институ-
ти директорининг ўринбосари
Қодир Фозилхўжаевларнинг ном-
зодлари кўрсатилган эди. К. Ру-
стамова билан И. Акбаровни ўз-
лари ишлаётган меҳнат коллек-
тивлари кўрсатишган бўлса, Қ.
Фозилхўжаевни Бекобод, Уль-
нов, Киров, Шарқ юлдузи, Фу-
рат маҳаллаларида яшовчи аҳо-
лининг умумий йиғилиши кўр-
сатган эди.

Аслида учала номзод ҳам
халқ депутатлигига муносиб ки-
шилардир. Жумладан, тарих
фанлари доктори Қ. Фозилхўжа-
ев, область партия комитети, ке-
йинчалик республика комсомол
Марказий Комитетига лекторлар
группасига раҳбарлик қилди, рес-
публика «Билим» жамияти прав-
лениеси президиумида, илмий
муассасаларда ишлади. Район ва
шаҳар Советларига депутатлик



қилган К. Рустамова эса икки ча-
қиридан бери район Советининг
депутати, етти йилдан бери Ок-
тябрь район партия комитетининг
аъзоси, Ўзбекистон Компартия-
си XXI съезди делегати, И. Ак-
баров ҳам кўпдан бери жамоат иш-
ларида актив қатнашади. У XIX
Бутуниттifoқ партия конферен-
циясининг делегатидир. Номзод-
ларнинг ҳар бири сайловолди йи-
ғилишларига ўзларининг конкрет
ҳаракат программалари билан ке-
лишган эди.

2512-автоколоннанинг 200 ўрин-
ли мажлислар залига сайловчи-
ларнинг 150 нафар вакили округ
сайловолди йиғилишига тўпла-
ниш лозим эди. Йиғилишда эса
134 сайловчи иштирок этди.

Йиғилиш қатнашчиларининг қа-
рори билан сайлов очик овоз
бериш йўли билан ўтказилди.

Биринчи овоз беришда 134 сай-
ловчидан 64 нафари К. Рустамо-
вага, И. Акбаров билан Қ. Фо-
зилхўжаевларга эса 63 нафари
овоз берганини маълум бўл-
ди. Шундай қилиб, номзодлар-
нинг бирортаси ҳам 50 про-
центдан ошқ овоз ололмади.
Қонун бўйича 50 процентдан кам
овоз олган номзодлар рўйхатга
олинмади.

Қондага кўра иккинчи марта
овозга қўйилганда К. Рустамова
59, И. Акбаров 58, Қ. Фозилхў-
жаев эса 56 овоз олди. Шундай
қилиб, СССР халқ депутатлари
сайлов тўғрисидаги Қонунга му-
вофиқ ҳар учала номзод ҳам
рўйхатга олинмаганди бўлди. Энди
уч номзоддан қайси бирининг де-
путат бўлиши 26 март куни ўт-
казиладиган сайловлар пайтида
ҳал этилади.

ЯНГИЧА ҚАНДАЙ ИШЛАШ КЕРАК?

Тошкент область колхоз
ва совхозлари раҳбарларидан
170 киши турли муаммоларни
бутир бир комплексини
қамраб олган ана шу савол-
га жавоб оладилар. Улар а-
грарноат комплексини бош-
қариш республика олий мак-
табидан қисқа муддатли ўқув
машғулотини бошладилар.

Мактаб ўқитувчилари
ўқиниш амалиётига энг кўп
даражада қўйилганлиги, ту-
ла ҳўжалик ҳисоби усулида
ишланган биринчи йил ша-
ронтида ҳўжалик раҳбарла-
рининг асосий принциплари
ва конкрет ишларини тушу-
нтириб бериш вазифасини ўз
олдиларига қўйдилар. Ҳў-
жаликлар рентабеллигини
ошириш, ижара ва коопера-
тив муносабатлар афзаллик-

лари сингари муаммолар му-
ҳомамага қўйилди. Ҳўжалик
юртишнинг илгор методла-
рига ўтиш чоғида кўпинча
дуч келинадиган тўсиқлар
ҳам таҳлил этилади. Ўзе-
бекистон ССР Фанлар акаде-
мияси, ВАСХНИЛ Ўрта
Осиё бўлимининг олимлари,
аграрноат комплекси бош-
қармаси республика макта-
бининг ўқитувчилари ана шу
масалаларни ёритиб беради-
лар.

Программада Тошкент об-
ластиди илгор ҳўжалик-
ларнинг ишлари билан та-
нишиш ҳам кўзта тутилган.
Масалан, Ўрта Чирчиқ райо-
нидаги Ким Пен Ха номли
колхозда тингловчилар ко-
операция ва ижара пудрати

асосида ҳўжалик юртиш-
нинг иқтисодий методларини
қўлланиш тажрибасини ўр-
натдилар. Улар Тошкент
районидидаги Карл Маркс ном-
ли колхозда ёрдамчи ҳўжа-
ликда махсуслот этиштириш
асосида коммерция ишнини
ташқил этиш ва социал ин-
фраструктурани ривожлан-
тириш билан танишдилар.

Машғулотлар ҳўжалик
раҳбарлари умумий муаммо-
ларни муҳомаа қилиши, иш
тажрибаси билан ўртоқла-
шиши мумкин бўлган давра
суҳбати билан тугайди.

Тошкент область партия
комитетининг биринчи секре-
тари М. М. Мирқосимов
тингловчилар ҳўзурида сўз-
га чиқди.

(ЎзТАГ).

САЛОМ, ЎҒЛОНЛАР!

Совет интернационалист жангчилари Ватанига қайтиб келмоқдалар

ТЕРМИЗ. 6 февраль.
(ЎзТАГ мухбири). Ҳозир бо-
дом гуллаган, агар мабодо
табиат шундай соғва интом
этмаганида ҳам, бу февраль
кунлари барбери қўнча ша-
ҳар аҳолиси, халқимиз хоти-
расида қолган бўлур эди.
Бутун афғон-совет чегараси-
да интернационалист жанг-
чиларининг Ватанига қайтиб
келишига бағишланган ми-
тинг бўлди.

Чоғишга вақтида парашют-
десант полкининг колоннаси
Амударё устига қурилган
қўприкка қадам қўйди. Ко-
лонна бешичини устун, яъни
чегарани босиб ўтиши билан
ноқ ҳарбий оркестр садола-
ри янграб кетди. Қариндош-
уруғлар ўз ўғлонларининг
қайтишини табриқлайдилар.

Бизнинг қисиммиз аф-
ғон заминига биринчилар қа-
торидан, яъни 1979 йилда
келган эди, — деб ҳўқоқ қил-
ди ЎзТАГ мухбирига полк
штаб бошлиғи, майор В. Б.
Климов. — Биз Қобулда ҳар-
бий ва тинч объектларни ҳи-
мой қилдик. Қандайдор ви-
лоятдаги жанговар ҳаракат-
ларда иштирок этдик. Аф-
суски, ҳамма жангчилар ҳам
Ватанига қайтиб келмади.
Сўнгги йилда етти нафар
ўртоғимиздан жудо бўлдик.
Шу тўққиз йил мобайни-
да бошимиздан кўп воқеа-

ларни кечирдик. Аммо си-
новлар нечоғли оғир бўлма-
син, интернационалист жанг-
чилар ўз бурчларини муно-
сиб ва мардона бажардилар.
Энг оғир дақиқаларда ҳам
улар раҳм-шафқат туйғуси-
ни унутмадилар.

Совет жангчилари шу йил-
лар ичидан 100 та яқин мак-
таб, лицей, билим юртини,
30 та яқин касалхонани, яна
шунча болалар боччасини,
400 та яқин ўй-жойни, 35 та
мачитни, неча ўнлаб қудуқ-
лар ва скважиналарни, 150
километрча яқин ариқ ва
канални ремонт қилдилар.
Тиллачилар «ва бунёд этди-
лар».

Ҳарбий бўлинмалар уйига
қайтиб келаётган ҳозирги
вақтда ҳам уларнинг рўпа-
расидан озиқ-овқат, дори-
дармон, бошқа ҳаётий му-
ҳим юклар ортилган колон-
налар Афғонистон томонига
йўл олмоқда. Мамлакатимиз
билан Афғонистон ўртасида-
ги ҳаво алоқаси ҳам узлук-
сиз ишламоқда. Сўнгги кун-
лардагина бу мамлакатга қа-
рийб 4.5 минг тонна ун ет-
казиб берилди.

Гвардиячи полк коман-
дири, подполковник А. Скач-
ков буйруғи билан минбар-
лар ёнида батальонларнинг
жангчилари саф тортишди.
Командалар янгради. Лекин

мағлубиятлар ҳақида гапи-
риладиган бўлса, шунини ай-
тиш керакки, Афғонистондан
совет қўшинларини узил-ке-
сил олиб чиқиб кетиш — қай-
та қуришимизнинг галабаси-
дир.

Женева битимларига бата-
мом тас тарада, совет қў-
шинларини олиб чиқиб ке-
тишининг иккинчи босқичи
чоғида ҳозирги кунгача 30
мингга яқин жангчи Афғо-
нистонни тарк этди. Балх,
Саманган, Бағлон, Парвон
ва Хирот сингари беш вило-
ятдагина бизнинг қисмлари-
миз бор. 15 февралга қадар
Совет Армиясининг барча
солдатлари Ватанига қайтиб
келди.

Жангчиларнинг офтоб ва
шамолда қорайган юзлари
қатъий билан боқди. Ўт-
тиш тўрт миллат вакиллари
саф тортиб турибдилар.
Полк шахсий составининг
ярмидан кўпроғи жанговар
орден ва медаллар билан
муқофотланган.

Биз Афғонистонда ҳарбий
галабага интилганимиз йўқ.
Аммо мабодо галабалар ва

ҚАЙТА ҚУРИШ МАКТАБИ

«Узбекшаштастрой» трестига қарашли ҳужалик ҳисодадаги қурилиш-монтаж участкаси бўёвдорлари Ҳангарон бинокорлик материаллари sanoati техникуми алабалагари 400 ўринли динам ва қулай ётоқхона қуриб бердилар.

Айни пайтда маъмур уюштурувчилари галла маҳсулотлари комбинати ишчи хизматчилари учун 200 ўринли ётоқхона қурилишини жаддалаштиришгилар.

О. ХУШНАЗАРОВ.

МАҲАЛЛА ОҚСОҚОЛЛАРИ КЕНГАШГАНДА

● Тошкентда шаҳар маҳалла комитетлари раисларининг учрашуви бўлди. Унда район партия комитетлари, район икжона комитетлари, Тошкент шаҳар икжона комитети бошқармаларининг масъул ходимлари қатнашдилар.

Сўзга чиққан кишилар маҳалла комитетлари ҳозир Тошкент шаҳридаги 300 мингдан ортиқ аҳоли орасида иш олиб бораётганини таъкидладилар. Улар оилани мустаҳкамлаш, турмушта янги совет маросимларини жорий этиш, интернационал ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш соҳасида кўп иш қилишмоқдалар. Аммо кўпгина муаммолар ҳалигача ҳал қилинган эмас. Комитетларнинг раислари маҳаллий советлардан истиқомат жойларида олиб бориладиган ишларда амалий ва самаралироқ ёрдам беришни илтимос қилдилар.

Учрашув қатнашчилари маҳалла комитетлари раисларининг шаҳар кенгашини туздилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институтининг директорининг ўринбосари К. Ф. Фозилхўжаев ана шу кенгашнинг раиси қилиб сайланди.

Учрашувда Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

Суратларда: мажлис қатнашчилари; Беруний маҳалла комитети раиси Тоҳир Қосимов сўзламоқда. А. Мальцев фотолари.



СПОРТ РОДИОННИНГ ЯНА БИР РЕКОРДИ

Тошкентлик спортчимиз Родийон Гатаулдиннинг Гомеда ўтказилган енгил атлетика бўйича мамлакат чемпионатида лангар билан сакрашдаги яна бир жаҳон рекордини ўрнатганини ҳақиқат хабарини «Маяк» тўлиқлари орқали эшитгач, дарҳол Гомеда кўнгириқ қилди. Бу ерда телефонининг унинг тренери В. Коган олди.

Ленинграддаги турнирдан сўнг Родийонга бўлган ишончим йилда ортди, — деди у. — Биз мамлакат чемпионатида илгари ўрнатилган жаҳон рекордининг янада оширишга эришдик. Бизнинг планимиз 2 руб 60га чикди. 6 метр 2 сантиметр баландлик забит этилди. Мен унинг янада баландроққа сакрашга ишонман. Чунки 6 метр 2 сантиметр баландликдан Родийон осонгина сакраб ўтгандай бўлди.

Ҳа, Родийон учун бу йил, айниқса, сермахсул бўлмоқда. Дастлаб, у Ленинградда ўтказилган турнирда олимпия чемпиони Сергей Бубканинг рекордидан ўттишга муваффақ бўлди. Бу сафар эса у ана шу рекордини яна икки сантиметрга оширди. Ушбу рекорд нафақат Родийонни, балки унинг қандашларини, физкультура институтини талабаларни, қозаверлар, футбол республикаси спорт ихлосмандларини хушнуд этди. Айниқса, унинг буниси Ҳадича Валиахметовна бу ҳақда эшитганда жуда қувониб кетди. «Мен доимо Родийоннинг юксакларга парвоз қилишини ишонган эдим», дейди у. У Ленинграддаги чемпионатда оқламоқда. Родийоннинг бу кўрсаткичлари охиригис эмас, деб ўйлайман.

КАТТА ҚУРИЛИШЛАР

«Узгирострой»нинг Тошкент областидаги 2-бирлашмасига қарашли Ўрта

АКС-САДО: «Ёпиқ зонадан очик репортаж» мақоласини ўқиб ИШОНЧ УЧҚУНЛАРИ

«ЕПИҚ зонадан очик репортаж» («Тошкент ҳақиқати» 1988 йил, 1, 4, 10, 11 ноябрь) мақоласи менда оғир таассурот қолдирди. Афсуски ҳаёт ҳақиқатидан кўз юмиб бўлмайди. Фан-техниканинг (демаски, инсон ақл-заковатининг) юксак чўққига эришганини намойиш этувчи «бурна» каби кема-лар космосга учиб турганида тиканли сим ортда ўн минглаб кишилар «озодликка кўнгириқ» кунини кутиб ётишибди. Улар нафақат озодликдан, балки оталик, фарзандлик, эрлик ҳуқуқидан ҳам маънавий равишда маҳрум этилганлар. Шунинг ўзига бўлса ҳам қошқи эди! Бегунох ота-оналар, фарзандлар, келинлар нима учун уларнинг маҳридан маҳрум бўлишди? Бу саволларга жавоб топиш осон эмас, аммо ҳар биримиз жавоб излашимиз керак. Зеро, биз ашулар (озодликдан маҳрум этилганлар) бир Ватан фарзандлари, бир жамият аъзолари-миз-ку, ахир!

Айюнда Келесдаги 7-ғишт заводдада қувончли қовоғининг иштирокисини бўлиди. Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати, республика телевидение ва радиоси Давлат комитетининг дуторчи қизлар ансамбли корхона коллективини маҳмони бўлиб, ранг-баранг программаларда катта концерт намойиш қилди.

— Бу оддий воқеа эмас, — дейди завод касабаси шайхони Т. Мурзин. — Маълумки, кўплаб ғишт заводларида шартли равишда суданган ёки жазони ўташ жойларидан шартли равишда озод этилиб, мажбурий меҳнатга жалб этилганлар ишлайди. Уларнинг турмуш шартоти, кундалик ҳаётининг тўла қондириш маълум маънода назардан четда қолган эди. Заводимизда асосан жазони ўташ жойларидан шартли равишда озод этилганлар меҳнат қилишди. Бу тоифа кишилар билан ишлашнинг маълум мураккабликлари бор. Йиллар давомида уларнинг маънавий шартотиларини яхшилаш масаласига деярли эътибор берилмай келинган. Чунки улар тайинланган жазонинг қолган муқаддатига мажбурий меҳнатга жалб қилинганлар. Тажрибадан менга шу нарса аёнки, мажбурий меҳнат ҳар доим ҳам қўйилган савари берилади. Завод маъмурияти ва жамоат ташкилотлари коллектив билан мулоқотнинг янги аламини ишлаб чиқди. Шу план асосида шинам ва барча қўйилганларга эга бўлган ётоқхона биноси қурилди. Янгида ечинини-қийиниш хонаси, ҳаммом фойдаланишга топширилди. Мажбурий меҳнатга жалб қилинганларнинг оила аъзолари билан учрашув хонаси ташкил этилди. Чин маънодаги тарбиявий ишлар режалари ас-

та-секинлик билан амалга оширилмоқда. Дуторчи қизлар ансамбли, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Эргаш Каримов ва Роза Каримовалар билан бўлиб ўтган учрашув ҳамда концертлар ҳам ана шу план асосида ташкил этилган. Ҳозир завод кутубхонаси қайта жиҳозланмоқда. Унинг фонди янги китоблар билан бойитилди. Хуллас, мажбурий меҳнатга жалб этилганлар илк бор ўзлари-га нисбатан илқилиқ, эътиборни сезаётгилар. Мажбурийят ва назорат органлари-га бўлган муносабатларида ишонч учқунлари пайдо бўлмоқда. Бу муҳим ва катта гап.

Қонунда белгиланган қўйилганидек, «жиноий жазо — жазо бўлибгина қолмай, маҳкумларни ахлоқдан тугатиб ва қайта тарбиялаб боришни ўз олдига вазира қилиб қўяди» (Ўзбекистон ССР Ахлоқ қўйиш меҳнат кодексини, 1-модда). Шунингдек, «Маҳкумлар билан сиёсий-тарбиявий ишчи маъмурият, меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотлари, шунингдек ҳуқуқий кўро этувчи орган олиб боради», деб ёзиб қўйилган. Ҳозирча маҳкумлар билан тарбиявий иш олиб боришда меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотлари, ҳатто улар жазо ўтаётган корхона маъмурияти ҳам иштирок этишмоқдалар. Бу вақфани фақат ҳуқуқий кўро этувчи орган бажармоқда. Шунинг учун ҳам 7-ғишт заводи маъмурияти билан жазони ўташ жойларидан шартли равишда озод этилиб, мажбурий меҳнатга жалб қилинганлар орасидаги муносабатда илқилиқ ва ишонч учқунлари пайдо бўлганини таъкидлаш керак.

М. ОБИДОВ,
СССР Журналистлар союзи аъзоси.

УМИДВОРМАН

ҲОЗИР турғунлик йиллари даврида ҳаёт тарзини нақадар мураккаб эътиборлардан иборат бўлиб қолгани ошкора айтилмоқда ва йиллар мобайнида йилги қолган муаммолар қайта қўриш шарофати билан аста-секин барҳам топишмоқда. Бундан қувончим чексиз. Аммо қайта қўриш ҳамма ерда эшик қўқмоғи керак. Аслида шундайми?

Мен аяқинда жазони ўташ жойидан озод этилдим. Ёшлигимнинг энг гўзал ва завоқли йилларини тиканили сиртида ўтказдим. Умрим беҳуда ўтганидан афсус-надоматим чексиз. Шу билан бирга аяни кунда амал қилинмаётган айрим қонунлар-га норозилим ҳам бор. Суд ҳукмида: «...муқаддатга озодликдан маҳрум этилсин» дейилади. Аммо ҳалигача ҳеч бир

қорлар бу йил тўрт миллион сўмликдан зиёд қурилиш-монтаж ишларини амалга оширадилар. Ёил охирига қадар улар 4 минг квадрат метр уй-жой, 784, 624 ҳамда 160 ўқувчи-

расмий ақда суд назарда тутувчи озодлик тушунчасига тўлиқ шарҳ берилмаган. Шунинг учун ҳам колонияларда маъмурият ички тартиб шiori остида сизга нима мумкин-у, нима мумкин эмаслигини тўқиб ташлашди. Масалан: — ишдан сўнг бўш вақтда барак (одатда 120—150 маҳкумга мулкдорланган 2—3 қават қаравот қўйилган ётоқхона) ташқарисига енгил оёқ кийими — шиппакда чиқиш мумкин эмас; — колония территориясида жисмоний машқ тарихида югуриш мумкин эмас (бунга гўв қочинишга тайёргарлик, деб қаралади);

— колонияда ишлаб топган пулинга, айтилиқ витамин сифатида организм муҳтожлик сезаётган сервоскопиз ёки қанд сотиб олиш мумкин эмас (балки шунинг учун ҳам маҳкумларнинг аксарияти тиш касаллигига мубталодр); — ёзининг жазираси иссиғида ҳам фақат резина ботинкада юриш керак (тасаввур қилинг, йиллар мобайнида резина ботинкада юришни)...

Эҳ, бу мумкин эмаслар қанчалар қўйилгани билсангиз эди! Мен оила аъзоларин билан учрашувлар, уларга хат ёзиш ёки улардан қайта олиш ҳақида чегараланган ҳақида гапирмай қўя қолар. Ҳўш, бундай чеклашлардан маънавий им-мат Ҳазоми ёки таби-таъсирга эришиш, тарбияли! Очигини айтган, агар улар орасидаги муносабатини қўйибсангиз жазо ўтдан тўққиз фоизини ташкил этади. Маъмурият бундай шертотга, услуб ва кадрлар савияси билан максимал мулк-лако эришиб бўлмайди (агар акси бўлиб чиқмаётган бўлса...)...

Махсус изолятор, дастлабки тергов жойлари, қамқонхоналарда санитария нормаларига амал қилинмайди. Медицина бўлимлари гоат нонор аҳолида. Колония маъмурият орасида гуруҳбозлик, маҳаллийчилик сезилади (сизга қанчалар эриш туюлмасин, маҳкумларга муносабатда маҳаллийчилик каби иллат маъжуд). Уларнинг қўйилгани махсус маълумотга эга эмас, тарбия назарисидан йироқлар. Хуллас, мен қайта қўриш жазони ўташ жойларига ҳам тезроқ етиб боришимдан умидворман.

Хатининг охирида «Ёпиқ зонадан очик репортаж» муаллифига ўзиде дедиллик топа олгани учун миннатдорчилик билдирмоқчиман. Битта маслаҳатим ҳам бор. Агар ана «зоналарга борсангиз маҳкумлар билан маъмуриятнинг иштирокисиз, ёлғиз суҳбатлашинг. Шундагина уларнинг қалбини чуқурроқ ўргана, ҳис қила олсангиз.

О. МУҲАММАДЖОНОВ,
Тошкент шахри.

САЛОМАТЛИККА БАҒИШЛАНДИ

Область «Саломатлик» маркази ташаббуси билан ташкил этилган шифокор-лекторлар бригадаси ўз ишини бошлади. Касб касалликлари бўйича мутахассис, профессор Ш. Отабоев, профессор С. Исmoilова, медицина фанлари кандидати Д. Азизова, ма-лакали шифокорлар У. Тошев, Ж. Абдуллаев ва бошқа врачлардан иборат бри-

гада Коммунистик райони-нинг турли хўжаликлари, ташкилотлари ва корхона-ларида лекциялар ўқийди. Узоқ умр кўриш сирла-ри, ичкиликбозлик ва гнѐх-вадликнинг зарари, сариқ касаллигининг олдини олиш ва уни даволаш мавзусидаги бундай лекциялар мактаб-лар ва ҳунар-техника билим юрти ўқувчилари учун ҳам уюштирилди.

«ҚУМАРИҚ»КА ГАЗ КЕЛАДИ

Тошкент айланма йўли «Қумариқ» маҳалласининг ўртасидан ўтиб, уни иккига бўлади. Йўлнинг ички қисмидаги хонадонлар Сергели район территориясида бўлиб, у ерда истиқомат қилувчи-лар коммунал хизматлардан фойдаланадилар. Йўлнинг нартги қисмидаги хонадон-лар эса Калинин районининг «Корасув» совхоз территориясида бўлиб, маҳалланинг Сергели район территория-сидаги аҳоли фойдаланган коммунал хизматлардан фой-далана олмайдилар. Бу бора-

да бир неча бор тегишли ташкилотларга ёзма равиш-да мурожаат қилинган. Ле-кин бирон бир натижа чиқ-маган эди. Ниҳоят аҳоли-нинг орузи ушалди.

«Ўзгасантехмонтаж» трес-ти 1-монтаж бошқармаси коллективни уларнинг илти-мосларини инобатга олиб, маҳаллани газлаштиришга киришди. Тез кунларда ма-ҳалланинг 250 дан ортиқ хонадонига табиий газ кири-тилиши режалаштирилмоқда.

А. АБДУМАЛИКОВ.

ОБЛАСТЬ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИДА

ЛОҚАЙДЛИК — ЖИНОЯТ

УЧАСТКА инспекто-ри Туроб Раҳмонов ўз территориясидаги вазиятни доимо синчковлик билан кузатишга одатланган. Бу фазилати айрим жиноят-ларнинг олдини олишда қўл келаяпти. Чунки, Ҳ 17—47 СИ номерли «Жи-гули» машинаси нотаниш ҳайдовчининг хатти-ҳара-катлари шубҳали туюлди унга. Машинани тўхтатиб текширганида шубҳаси ўрин-ли бўлиб чиқди.

Машина эгаси Роберт Ли наша билан шугулланади-ганлардан экан. Янги Чи-ноздаги «Селькоммунре-монт» корхонаси ишчиси бўлган Р. Ли ёнидан 7 грамм наша топилиди ва устидан жиноий иш қў-ғатилди.

ЧИРЧИҚ шаҳар ички ишлар бўлимига хабар қи-лишди: квартираларнинг биридан 480 сўмлик палос ўғирлаб кетилди. Мили-ция ходимларининг шоши-линч ва маҳорат билан олиб бориш қидирув ишлари муваффақиятли якунланди. Ўғирлар эртасигаёқ қўлга олинди.

«Стройрембит» корхона-си дурадгори Ренат Вали-

ев билан илгари уч марта судланган Александр Ха-рин ўз айбларини бўйин-латарга олди. Яқинда улар одил суд олдида жа-воб берадилар.

ЙўЛ қондаларини бу-зиш фожияли оқибатларга олиб келиши ҳақида кўп гапирилади. Аммо айрим-лар бу масалага эътибор-сизлик қиладилар.

ТашГРЭС ишчиси Вла-димир Федоров ўз мото-циклда бораётиб 3-авто-корхона ҳайдовчиси И. Жо-мабоев бошқариб келаёт-ган 50—05 ТНМ номерли ПАЗ-672 автобуси билан тўқнашиб кетди ва оламдан бевақт кўз юмди. Ҳозир Ор-жоникидзе район ички иш-лар бўлими ҳақиқатини аниқлаш учун тергов иш-ларини олиб бораётир.

Ортиқча лоқайдлик-нинг яхшиликка олиб кел-маслиги маълум. Паркент районидаги Заркент қиш-лоқда яшовчи Тождилди Пўлошев хонадонига то-қайлик тудайли ярим тузда ёниги чиқди. Бузуқ печакдан чиққан ўт ёниги-га айланиб, оилага 500 сўм-га тушди.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«ЎЗБЕККОНЦЕРТ»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ

ДУСТЛИГИ САРОИИДА

10 февраль соат 19.30 да,

11, 12 февраль соат 16 ва 19.30 да

Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист

НАСИБА АБДУЛЛАЕВА

ва

«САМАРҚАНД»

ВОКАЛ-ЧОЛҒУ АНСАМБЛИНИНГ

концерти

(Янги программа)

Ансамблининг бадний раҳбари — БАҲРОМ АБДУЛ-ЛАЕВ.

Билетлар соат 14.00 дан сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

ТОШКЕНТДА

БИРИНЧИ МАРТА

Жаҳонда ягона бўлган

«ДЕНГИЗ

ҲАЙВОНЛАРИ»

АТТРАКЦИОННИНГ

(денгиз шерлари,
сивучлар)

гастроллари

Ҳайвон ўргатувчилар —
Татьяна ва Василий ТИМ-ЧЕНКОЛАР.



«Цирк айиқлари» томошаси. Ҳайвон ўргатувчилар — Людмила ва Александр ГРЮКОВЛАР.

УССРда хизмат кўрсатган артист Виктор МАКСИ-МОВ раҳбарлигида «ЧЕРЕМОШ» акробатик ансамбли-нинг чиқишлари.

Машҳур пародиячи-комик Валерий КОЛОВОВ. Икки бўлимдан иборат катта ранг-баранг программа. Билетлар олдиндан сотилмоқда.

Коллектив бўлиб келиш учун заявқалар қабул қили-нади.

Қишлоқ жойлардан келган томошабинларга навбат-дан ташқари хизмат кўрсатилади.

Томошалар — соат 19.30 да, шанба кuni — соат 16, 19.00 да; яшанба кuni — соат 12, 15, 18.00 да бош-ланади.

Касса дам олиш кунларисиз соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.

Справқалар учун телефонлар: 44-35-91, 44-35-84, 44-28-04.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги
М. Қорйеқубов номидаги Ўзбек давлат филармонияси
В. И. ЛЕНИН НОМИ СССР ХАЛҚЛАРИ
ДУСТЛИГИ САРОИИДА
15 ва 16 февраль соат 19.30 да

«ЕШ ИЖРОЧИЛАР САНЪАТИ»

ТУРКУМИДАН

Ўқтам АҲМЕДОВ иштирокида

КОНЦЕРТ

Билетлар СССР Халқлари дўстлиги саройи кассалари-да соат 14.00 дан бошлаб сотилмоқда.

«САЛТАНАТ» ТЕЗ ПИШИРАДИ

Кастрюль ичидаги сув қайнаб чиққан лаҳза-дан бошлаб, ундаги картошка 5—8 минут, нўхат 10—15 минутда, гўшт эса 25—30 минут ичида тай-ёр бўлади.

«Салтанат» скороваркасида маҳсулотларини димлаш ҳам, қайнатиш ҳам, бугда пишириш ҳам, борингки, стерилизациялаш ҳам мумкин.

Унда пиширилган озиқ-овқат маҳсулотларида уларнинг ўзига хос таъми ва хушбўй ҳиди, шу-нингдек бу маҳсулот таркибидagi витаминлар ва минерал моддалар тўлароқ сақланиб қолади. «Салтанат» скороваркасининг баҳоси — 14 сўм. Хўжалик магазинларида сотилмоқда.



«РАССВЕТ» техника-сотиш ательеси.
«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифок ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.